



Коррупцияга қарши мурасасиз кайфиятни шакллантириш тарғиботи давом этмоқда

РОБАХОН МАХМУДОВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР БИЛАН БУ БОРАДА ФИКР АЛМАШМОҚДА

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудованинг Қорақалпоғистон Республикасидаги Қон қуйиш марказида партиянинг ҳудудий кенгаши масъуллари, шифокор ва ҳамширалар билан ўтказган давра суҳбати соҳада коррупция хавфини камай-

тириш бўйича айнан соҳа вакиллари иштирокида фикр алмашишга йўналтирилгани билан муҳим аҳамият касб этди. Таъкидлаш лозимки, мазкур марказ партиянинг “Бор меҳримиз сенга, болажон!” донорлик акциясини ҳудудда юқори савияда ўтказишда доимий ва ишончли

ҳамкор сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Робахон Махмудова ўз нутқида бу жиҳатни алоҳида эътироф этаркан, болалар саломатлигини асраш ва жамиятда инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш ишлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Депутат сўрови

Ноқонуний тадбиркорликка қачон чек қўйилади?!

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмаилов мамлакатимизда автомобилотранспорт воситаларини қисқа муддатга ижарага бериш фаолиятини ноқонуний амалга ошириш ҳолатлари ва бунинг натижасида келиб чиқаётган оғир оқибатлар юзасидан жиддий ташвиш билдириб, Ўзбекистон Республикаси Транспорт вазири И.Р.Махкамов ҳамда Ички ишлар вазири А.А.Ташпўлатовга депутат сўрови билан мурожаат қилди.

Маълум бўлишича, “Наманган уезда тошһа” каби телеграм гуруҳлари орқали юқоридаги қарор талабларига зид равишда, ҳатто воқеа етмаган ва транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларга ҳам автомобиллар ижарага берилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, оғир йўл-транспорт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Жумладан, 2024 йил 2 октябрь кўни Наманган шаҳрида 5 нафар ўқувчи ноқонуний ижарага берилган “Жентра” автомобил-наси иштирокидаги йТҲ оқибатида уч нафар ўсмирнинг ҳаётидан бевақт кўз юмгани ачинаш билан қайд этилган.

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY MAJLISI
QONUNCHILIK PALATASINING
DEPUTATI

23-aprel 2025-yil.

19-03/12-son

O'zbekiston Respublikasi
Ichki ishlar vaziri
A. A. Tashpo'latova

DEPUTAT SO'ROVI

Hurmatli Aziz Anvarovich,

So'nggi yillarda mamlakatimizda fuqarolarga sifatli servis xizmatini ko'rsatish borasida keng ko'lamli islohotlar amalga oshirilayotgani tahsinga loyiq. Bu borada zarur huquqiy normalar ishlab chiqilib, amaliyotda tatbiq etib kelinmoqda. Ushbu yaratilgan qulayliklardan oqilona va samarali foydalanishni maqsad qilgan tadbirkorlar o'z faoliyatlarini amalga oshirib kelmogdalar.

Biroq, inson hayoti va salomatligidan o'zining "biznesi"ni ustun qo'yib, noqonuniy faoliyat ko'rsatayotgan ayrim "tadbirkor"lar ham bor. Achinarlisi, ular belgilangan huquqiy normalarni chetlat o'tib, "oson pul" topish ilinjida o'z qing'ir ishlariga voyaga yetmagan yoshlarni jalb qilib, o'zgalarning salomatligiga, shuningdek, jamoat tartibiga jiddiy xavf tug'dirmogdalar. Bunga yaqqol misol sifatida Namangan viloyatida ketma-ket ro'y bergan bir necha mudhish hodisalarni keltirish mumkin.

O'zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasining 2018-yil 14-dekabrda 1015-son qarori bilan tasdiqlangan "Yengil avtomobillar va mototransport vositalarini qisqa muddatli ijaraga berish tartibi to'g'risida Nizom" talablariga ko'ra, ijaraga beruvchi — qonunchilikda belgilangan tartibda ro'yxatdan o'tgan, ma'lum to'lov evaziga qisqa muddatli ijaraga berish shartnomasi asosida transport vositasini ijarachiga beruvchi yuridik shaxs bo'lishi belgilangan.

Ижтимоий адолат ва тенглик таъминлари кафолати

Депутат Беҳзод Тўхтамуродов фуқароларнинг банк картаси билан боғлиқ айрим масалаларга тўхталиб, унга оид маълумотлар фақатгина фуқаронинг ўзига маълум қилиниши заруратини инобатга олган ҳолда, жараёнга инсон омили қўшилиши эҳтимолий коррупцион ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади. Лойиҳада бу бўйича тақлиф этилаётган нормани қайта кўриб чиқиш кераклигини билдирди.

Йўлнинг “А” белгили қисмидан ҳаракатланган ҳайдовчилар қанча жарима тўлайди?!

Blogger vs Journalist

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР!

Нега баъзи қонунбузар журналист ёки блогерларга нисбатан суд иши “Сўз эркинлигига ҳужум” деб баҳоланмоқда?

Энг ёмони, бу суд жараёнларига баъзи кимсалар кўр-кўрона салбий муносабат билдиришмоқда. Аслида ҳар кўни ўнлаб бошқа турдаги (яъни, журналист ё блогер бўлмаган) қонунбузарларга нисбатан ҳам тергов ёки суд ишлари кўриб чиқилади. Нега энди уларнинг тақдири қонуний ҳал этилмагунча ҳеч ким чурқ этмайди-ю, айнан журналист ёки блогерлар иши судда кўрилса, “сўз эркинлигига ҳужум” қилинмоқда, деб дарҳол айюҳаннос солинади?

“ҲАДОЛЛИК ВАКЦИНАСИ” ТАМОЙИЛИ АСОСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ МУРОСАСИЗ КУРАШАМИЗ!

1 Ўз навбатида айтиш керак, ушбу хужжатлар Ўзбекистон “Адолат” СДП фаоллари ва хайрихоҳларини руҳлантирмоқда. Бинобарин, давлат идораларининг шаффофлиги ва ҳисобдорлигини таъминлашда парламентнинг роли юқори бўлиши лозимлигини илгари суриб келадиган партиядошларимиз фармонда Олий Мажлис палаталари томонидан амалга ошириладиган вазифалар аниқ белгилаб берилганини ҳар томонлама қўллаб-қувватлайди.

Жумладан, фармонда бундан буён парламент палаталари ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омилларни аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритишда фаол бўлиши лозимлиги мустаҳкамлаб қўйилди. Шунингдек, вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқиляётганда улар томонидан коррупциявий олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартибни қонун ҳужжатларида белгилаш вазифаси қайд этилди.

Бундан ташқари, депутат ва сенаторлар халқро тажрибани ўрганиб, кибермаконда коррупцияга қарши самарали курашиш бўйича мустаҳкам ҳуқуқий база яратиш юзасидан таклифларни ишлаб чиқишда етакчи ўринни эгаллайдиган бўлади.

Ҳақиқатдан ҳам, парламент жамиятда коррупцияга қарши курашишда ҳал қилувчи роль ва ўринга эга. Чунки ушбу олий вакиллик институти коррупцияга қарши курашишга қаратилган адолатли, шаффоф ва таъсирчан қонунларни ишлаб чиқиш, қабул қилиш ва уларнинг ижросини назорат қилиш ваколатига эга. Шундай экан, биз, депутатлар халқчил, сифатли қонунларни қабул қилиш билан чекланиб қолмасдан, уларнинг бажарилишини таъминлашимиз ҳамда давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорликда жамиятда коррупцияга қарши маданиятни шакллантиришга ҳисса қўшмоғимиз лозим.

Қолаверса, биз Иқтисодиёт ва молия вазирлигига давлат харидларида сотиб олинadиган товар ва хизматлар нархи бўйича белгиланган талабларни бузганлиги учун жавобгарлигини назарда тутувчи қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилганини ҳам тўлиқ қўллаб-қувватлаймиз. Сабаби, жойларда дав-

лат маблағлари ҳисобига харид қилинадиган маҳсулот ва хизматларни буюртма қилишда нархларни сунъий равишда ошириб кўрса-тиш, ўтказиладиган тендер танловларида турли хил “манёвр”ларни амалга ошириш ҳолатлари учраб турибди. Оқибатда мисқоллаб йиғилган давлат бюджети маблағлари мақсадсиз сарфланиб, айрим кимсаларнинг ноқонуний саъй-ҳаракатлари туфайли халқнинг пули кимларнингдир чўнтагига бориб тушмоқда. Аммо бу жиноят учун белгиланган жавобгарлик чорасини ҳозирча самарали ва таъсирчан деб айта олмаимиз. Демак, чиндан ҳам давлат харидларида баъзан учраб турадиган “ғиром ўйин” иштирокчилари учун белгиланадиган жазо чораси кучли ва кескин бўлиши кераклиги тўғрисида вазифа белгилангани айни муддао бўлди.

Президент қарорига асосан, давлат органлари ва ташкилотларининг коррупцияга қарши ички назорат бўлинмалари ишини янгича тизим асосида ташкил этилаётгани ҳам партиямиз дастурий мақсадларига тўлиқ мос келади. Бундан баён ички назорат бўлинмалари ҳар бир идорадаги давлат хизматларини кўрса-тишда коррупциявий омилларни бартараф этиш, маиший коррупциянинг олдини олиш, шу жумладан, рақамлаштириш, бюрократияни қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқади. Ушбу жараёнда идоравий норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни коррупцияга қарши экспертизадан ўтказиш ва яқунлари бўйича аниқланган коррупциявий нормаларни бекор қилишни назарда тутувчи таклифларни илгари суради. Энг муҳими, ушбу бўлинмаларнинг масъуллари ўз идораси доирасида амалга ошириладиган давлат харидларида манфаатлар тўқнашувига йўл қўймаслик чораларини кўриши, давлат харидлари бўйича превентив ўрганишларни ўтказиши керак бўлади. Яъни, бундан буён ҳар бир давлат ташкилоти ва идорасида коррупцияга қарши курашишга масъул бўлинма самарали ишлайди.

Хулоса қилиб айтганда, биз, “Адолат” СДП фаоллари коррупцияга қарши курашишга қаратилган барча ташаббусларни амалга оширишда фаол иштирок этамиз. Шунингдек, барча депутат ва сенаторлар, жамоат ташкилотлари, қолаверса, юртдошларимизни ана шу эзгу мақсад йўлида бирлашишга чақирамиз.

Куни кеча давлатимиз раҳбарининг “Коррупцияга қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш бўйича белгиланган устувор вазифалар ижросини самарали ташкил этишга доир чора-тадбирлар тўғрисида” фармони қабул қилинди.

Коррупцияга қарши курашиш агентлиги директори Акмал БУРХОНОВ мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳатлари ҳақида қуйидагиларни сўзлаб берди:

– Президентимизнинг фармони билан Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашининг 2025 йил 5 мартда ўтказилган кенгайтирилган йиғилишида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш бўйича ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар рўйхати ва амалий чора-тадбирлар дастури тасдиқланди.

Вазирлик ва идоралар раҳбарларига мазкур фармон ва унинг доирасида белгиланган вазифаларни сифатли, ўз вақтида ва сўзсиз бажарилиши юзасидан шахсий жавобгарлик юклатилди.

Коррупцияга қарши курашиш Миллий кенгаши эндиликда ҳар йили ҳудудлар кесимида коррупциянинг олдини олиш, унга қарши курашиш, шу жумладан, маиший коррупцияга барҳам бериш, коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш муҳитини шакллантириш бўйича йўл харитасини тасдиқлайди. Шу билан бирга, йўл харитаси устидан назоратни таъминлайди.

Олий Мажлис палаталари ҳар йили бюджетдан энг кўп маблағ оладиган учта вазирлик ва идорада коррупциявий омиллари аниқлаб, уларни бартараф этиш бўйича таклифлар киритади.

Вазир ва ҳокимлар лавозимига номзодлар тегишлича Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва халқ депутатлари кенгашларида кўриб чиқиляётганда улар томонидан коррупциянинг олдини олиш бўйича аниқ режа ҳимоя қилинишига оид тартиб йўлга қўйилади.

“Жиноятчиликка қарши курашиш ҳаф-талиги” давомида ҳар ойнинг 1-5 сана-ларида режа асосида “қизил” тоифадаги маҳаллаларга тушиб, ҳар бир жиноят-



нинг келиб чиқиш сабаблари ва омиллари таҳлил қилинади ҳамда прокурор ва ички ишлар бошлиқлари фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича аниқ тавсиялар берилади.

Худудларни комплекс ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш бўйича секторлар фаолиятини янги тартиб асосида йўлга қўйиш мақсадида прокурор, ички ишлар ва солиқ органлари раҳбарлари секторлар фаолияти бўйича юклатилган вазифалардан овоз этилади. Секторлар ишига Бош вазир ўринбосарлари ва Ўзбекистон маҳаллалари уюشمаси ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари масъул этиб белгиланади.

Давлат харидларида сотиб олинadиган товар ва хизматлар нархи ҳамда унинг ўртача бозор нархи ўртасидаги тафовутнинг энг кўп йўл қўйиладиган чегарасидан четга чиққан ҳолда харидларни амалга оширган мансабдор шахслар жавобгар-ликка тортилади.

Тўғридан-тўғри шартномалар бўйича харид қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар) турларини камида 2 баравар қисқартириш бўйича таклифлар ишлаб чиқилади.

Жорий йилнинг 1 июлидан йирик инвестиция лойиҳаларида коррупцияга қарши халқро стандартлар ҳамда йирик аукцион шартларини рақобатбардорлиқ экспертизасидан ўтказиш тартиби жорий этилади.

Йил якунига қадар халқро тендер объ-

ектлари бўйича субпудратчиларни “Шаффоф қурилиш” тизими орқали жалб қилиш, қиймати 2 миллион АҚШ доллари-гача бўлган халқро молия ташкилотлари ҳисобидан молиялаштириладиган маҳаллий тендерларни “Шаффоф қурилиш” тизимида ўтказиш ҳамда халқро тендерлар бўйича жалб қилинган чет эл пудрат ташкилотлари шартнома қийматининг камида 60 фоизини ўз кучи билан бажариш тартиб-ини жорий этиш чоралари кўрилади.

2026 йил 1 январга қадар вазирлик ва идоралар, маҳаллий ҳокимликлар томонидан кўрсатилadиган барча давлат хизматларини туман (шаҳар) кесимида аҳо-лининг ўзи баҳолайдиган тизим жорий этилади. Бунда, аҳоли томонидан “қо-ниқарсиз” деб баҳоланган давлат хизматларини кўрсатувчи вазирлик, идора раҳбарлари ҳамда туман ва шаҳарлар ҳокимларининг шахсий жавобгарлиги белгиланади.

Аҳолининг кундалик ҳаётида учрай-диган саволларига мобиль телефон орқали содда ва қўлай шаклда жавоб олиш имкониятини берадиган онлайн платформа ишга туширилади. Шунинг-дек, фуқароларга сифатли юридик ёр-дам кўрсатилишида адвокатлар фаоли-ятига тўсқинлик қилаётган омиллари бартараф этишга қаратилган қонун лойиҳаси ишлаб чиқилади.

Норгул АБДУРАИМОВА,

ЎЗА

СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ СОҲАСИДА КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШ — аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг амалий кафолати

Кундалик ҳаётимизда тиббиёт соҳаси вакилларига кўп бора мурожаат қиламиз. Касаллик ўз ҳукмини ўтказганда, тан оғриғи устун келиб, мажолсиз қолдирганда бош уриб борадиганимиз ҳам, дармон излаб югурадиганимиз ҳам шифокор ва ҳамширалардир. Ана шу лаҳзаларда шундай бир ҳолатни ҳис қиламизки, қўлимиздаги пул, жамғарган бойлигимиз эмас, балки вақтида ёрдам қўлини узатадиган, билимли ва виждонли соҳа вакилларида шифо топиш энг катта ютуғимиз бўлади. Аммо ҳаётда шундай ҳолатлар ҳам учрайдики, кимнингдир эътиборсизлиги, кимнингдир манфаатпарастлиги оқибатида тиббиёт тизимидаги ишончга путур етади. Коррупция, таниш-билишчилик, асоссиз тўловлар каби муаммолар фақат тиббиёт ривожини эмас, ўз навбатида, инсон тақдирига ҳам хавф туғдиради.

**Элёрбек КОМИЛОВ,
“Адолат” СДП Марказий аппарати
бошқарма бошлиғи**

Гўё коррупция илллати айрим тиббиёт муассасаларида кўзга ташланadиган ҳолат эмас, балки ўзгача “қоидалар” билан бошқариладиган пинҳона тизимга айлан-ганки, кимдир тезкор ёрдам олиши учун қўшимча харажат қилишга мажбур, ким эса на пул, на таниши бўлгани учун чорасиз қолади. Кимдадир таниш шифо-кор бора, кимдир эса навбатини кутганча оғриққа дош беролмайди. Бу каби адо-латсизликлар натижасида фақат тиббиёт эмас, балки бутун жамиятнинг инсонпар-варлик, тенглик ва ҳаққонийлик каби қа-дрийатлари зарар кўради.

Шу жиҳатдан, “Адолат” социал-демо-кратик партияси ва Коррупцияга қарши ку-рашиш агентлиги ҳамкорлигида мамла-кат миқёсида ўтказиляётган “Коррупцияга қарши кураш ойлиги”нинг тўртинчи ҳаф-тасини соғлиқни сақлаш соҳасига бағиш-лангани алоҳида аҳамият касб этади. “Соғлиқни сақлаш соҳасини коррупциядан холи соҳага айлантириш — устувор вази-фамиз!” деган бош ғоя остидаги тарғибот тадбирлари ана шундай мураккаб, аммо ҳал қилиш лозим бўлган масалаларга жа-моавий ечим излашга даъват этмоқда.

Жаҳон амалиётига назар ташласак, тиббиёт соҳасини коррупциядан тоза-лашга эришган мамлакатлар бир қатор

ижобий ютуқларга эришганини кўрамиз. Масалан, Грузияда тиббий хизматлар тў-лиқ рақамлаштирилган, беморлар “энг яхши шифокорлар”ни эркин танлаш имко-ниятига эга. Бу нафақат хизмат сифатини, балки шифокорларнинг ҳам масъулиятини оширади. Сингапурда эса ҳар бир тиббий муассаса мустақил назорат органлари то-монидан баҳоланади ва доимий монито-ринг асосида иш юритилади. Бу моделлар тиббиёт тизимида шаффофлиқни таъмин-лаш, инсон манфаатини устувор этишда катта самара берган. Ўзбекистонда ҳам мазкур йўналишда “Электрон поликли-ника”, “Электрон рецепт” каби лойиҳалар орқали рақамли назорат ва жамоатчилик иштирокини кенгайтириш бўйича амалий ишлар бошланган.

“Адолат” партияси эса бу жараёнларга ташаббускор сифатида киришиб, соҳада ҳалоллик, одоб-ахлоқ, инсон қадрини улуғлаш тамойилларини амалда илгари сурмоқда. Хусусан, мазкур ҳафта мобай-лида партиянинг фаол аъзолари, маҳал-лий кенгаш депутатлари, ёшлар ва хот-ин-қизлар қаноти вакиллари томонидан юртимиз бўйлаб шифохоналар, поликли-никалар, тез ёрдам марказлари, тиббиёт олийгоҳларида учрашувлар ташкил этил-япти. Уларда тиббиёт ходимлари, тала-



ба-шифокорлар билан очик мулоқотлар ўтказилиб, соҳадаги коррупцион хавфлар, меҳнат этикаси, одоб-ахлоқ мезонлари, давлат ва жамоатчилик назорати масала-лари муҳокама қилинмоқда.

Эътибор қаратиляётган асосий йўна-лишлардан бири — бу коррупциоген омиллarning келиб чиқиш сабабларини аниқлаш, фуқароларда ҳуқуқий онгни шакллантириш, тиббиётдаги шаффофлик ва очиклиқни таъминлашдир. Бу борада фуқаролик жамияти институтлари билан ҳамкорлик, оммавий ахборот воситалари-нинг фаол иштироки, аҳолининг ҳақиқатни талаб қилиш маданиятини ошириш усту-вор вазифа саналади.

Умуман, соғлиқни сақлаш соҳаси жа-мият ва давлат тараққиётининг энг нозик ва масъулиятли йўналиши. Унда адолат-сизлик бўлмаслиги керак. Коррупцияга қарши кураш ишлари, амалий натижалар қўламдорлиги эса бу соҳада фақат сиёсий ва ҳуқуқий масала эмас, балки инсонпар-варлик ва ҳар бир фуқаро учун кафолатли тиббий ёрдам олиш имкониятини ҳам ке-нгайтиради.

Депутат сўрови

Ноқонуний тадбиркорликка ҚАЧОН ЧЕК ҚЎЙИЛАДИ?!

1 Депутатимиз ўз сўровида сўнгги йил-ларда фуқароларга сифатли сервис хизматини кўрсатиш бўйича ислохотлар амалга ошириляётганига қарамай, ай-рим “тадбиркорлар” инсон ҳаёти ва соғлиғи-дан ўз манфаатларини устун қўйиб, белги-ланган қоидаларни четлаб ўтаётганига эъти-бор қаратади.

Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Вазир-лар Маҳкамасининг 2018 йил 14 декабрдаги 101⁹-сон қарори билан тасдиқланган “Енгил автомобиллар ва мототранспорт воситала-рини қисқа муддатли ижарага бериш тартиби тўғрисида Низом” талаблари қўпол равишда бузилмоқда. Ушбу Низомга кўра, транс-порт воситаларини ижарага бериш фаоли-яти билан фақат қонунчиликда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтган юридик шахслар шуғулланиши ва ижарачидан, албатта, те-гишли ҳайдовчилик гувоҳномаси тақдим эти-лиши шарт.


Бирок, партиядошимиз таъкидлаганидек, амалда бу талабларга ҳар доим ҳам риоя этилмаяпти. Бунга мисол сифатида сўнгги кунларда Наманган вилоятида юз берган бир қатор аянчли ҳодисалар келтирилган.

Маълум бўлишича, “*Namangan yezda toshina*” каби телеграм гуруҳлари орқали юқоридаги қарор талабларига зид ра-вишда, ҳатто вояга етмаган ва транс-порт воситасини бошқариш ҳуқуқи бўлма-ган шахсларга ҳам автомобиллар ижарага берилмоқда.

Бу эса, ўз навбатида, оғир йўл-транс-порт ҳодисаларига сабаб бўлмоқда. Жум-ладан, 2024 йил 2 октябрь куни Наманган шаҳрида 5 нафар ўқувчига ноқонуний ижа-рага берилган “Жентра” автомашинаси иштирокидаги ЙТХ оқибатида уч нафар ўсмирнинг ҳаётдан бевақт кўз юмгани ачи-ниш билан қайд этилган.

Депутатимиз бундай ноқонуний фаолият мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам учраётган бўлиши мумкинлиги ва уларнинг ҳаракатларига ўз вақтида ҳуқуқий баҳо бе-рилмаслиги янада муҳим оқибатларга олиб келиши мумкинлигидан хавотир бил-дирган.

Шу муносабат билан, Олий Мажлис Қонун-



чилик палатаси депутати Дилмурод Исмои-лов Транспорт вазирини И.Р.Махкамов ва Ички ишлар вазирини А.А.Ташпўлатовдан қуйидаги масалаларга ойдинлик киритишни сўраган:

Биринчидан, автотранспорт воси-таларини қисқа муддатга ижарага бериш фаолиятини ноқонуний амалга оширувчи шахсларни бевақт аниқлаш борасида қан-дай ишлар қилинмоқда?

Иккинчидан, аниқланган қонунбузарларга нисбатан қандай чоралар кўрилмоқда?

Учинчидан, бу каби ҳуқуқбузарликлар ке-либ чиқишининг олдини олиш бўйича қандай чора-тадбирлар амалга оширилмоқда?

Тўртинчидан, мазкур масала юзасидан ва-зирларнинг шахсий нуқтаи назари қандай?

“Адолат” СДП фракцияси аъзоси Дилмурод Исмоиловнинг ушбу сўрови аҳоли ҳавфсиз-лиги, қонун устуворлиги ва, айниқса, ёш ав-лод саломатлигини ҳимоя қилишдек долзарб масалаларга қаратилгани билан аҳамиятли-дир.



Коррупцияга қарши муросасиз кайфиятни шакллантириш тарғиботи давом этмоқда

РОБАХОН МАХМУДОВА ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИКЛАР БИЛАН БУ БОРАДА ФИКР АЛМАШМОҚДА

Айни кунларда “Адолат” СДП ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ҳамкорлигидаги “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасидаги тўртинчи ҳафта тадбирлари мамлакатимиз бўйлаб жойлардаги тиббиёт муассасалари, поликлиника ва шифохоналарда “Соғлиқни сақлаш соҳасини коррупциядан холи соҳага айлантирамиз!” деган бош ғоя асосида ўтказиб келинмоқда.

Жараёнларда партиянинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси аъзолари, маҳаллий кенгашлардаги депутатлари ва ҳудудий ташкилотлари томонидан жойларда ўрганишлар, мурожаатлар таҳлили, соҳалардаги камчиликларни бартараф этишда таъсирчан парламент назоратини ўрнатиш ва юзага келаётган муаммоларнинг бирламчи сабабларини бартараф этиш мақсадида тегишли таклифлар тайёрлаш бўйича кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Шундай тадбирлар доирасида “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раиси Робахон Махмудова Қорақалпоғистон Республикасидаги Қон қуиш марказида партиянинг ҳудудий кенгаши масъуллари, шифокор ва ҳамширалар билан ўтказган давра суҳбати соҳада коррупция хавфини камайтириш бўйича айнан соҳа вакиллари иштирокида фикр алмашишга йўналтирилгани билан муҳим аҳамият касб этди.

Таъкидлаш лозимки, мазкур марказ партиянинг “Бор меҳримиш сенга, болажон!” донорлик акциясини ҳудудда юқори савияда ўтказишда доимий ва ишончли ҳамкор сифатида фаол иштирок этиб келмоқда. Робахон Махмудова ўз нутқида бу жиҳатни алоҳида эътироф этаркан, болалар саломатлигини асраш ва жамиятда инсонпарварлик ғояларини кенг тарғиб этиш ишлари тобора мустаҳкамланиб бораётганини таъкидлади.

Мулоқот давомида “Адолат” СДПнинг жамиятда қонун устуворлигини таъминлаш, фуқаролар манфаатларини ҳимоя қилиш йўлидаги асосий мақсад ва вазифалари, соғлиқни сақлаш соҳасида амалга оширилаётган ислохотларда партия позицияси ва ташаббуслари муҳокама қилинди. Шунингдек, партия аъзоларининг фаоллигини ошириш, жойларда аҳоли билан ишлаш сифатини янада яхшилаш бўйича таклиф ва фикрлар билдирилди.

Тадбир якунида партия етакчиси марказдаги шарт-шароитлар, қон йиғиш ва сақлаш жараёнлари, донорлик маданиятини оммалаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар билан танишди. Партия раҳбари соҳа ходимларининг фидокорона меҳнати ва масъулиятини юқори баҳолаб экан, партия томонидан уларнинг таклиф ва ташаббусларини

меҳнат манзараси орқали “Адолат” партияси тарғиб этаётган таянч кадриятлар ҳалоллик, меҳнатсеварлик ғоялари ҳаётда кенг қамровда ўз ифодасини топаётганига тўхталиб.

Учрашув давомида фаоллар билан маҳаллада кичик тадбиркорлиқни қўллаб-қувватлаш, аҳоли томорқасидан унумли фойдаланишни ташкил этиш, иссиқхона қуриш, деҳқончиликни замонавий тажрибалар асосида ривожлантириш ва бу орқали уй шароитида иш ўринлари яратиш бўйича таклифлар ҳам муҳокама қилинди.

Қўннинг иккинчи ярмида партия етакчиси Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти Нукус филиалида ташкил этилган “Биз коррупцияга қаршимиз!” мавзусидаги давра суҳбатида иштирок этди.

Тадбирда олийгоҳ профессор-ўқитувчилари, талабалар, ёш фаоллар ҳамда жамоатчилик вакиллари қатнашди. Суҳбат давомида иштирокчилар мамлакатимизда коррупцияга қарши олиб борилаётган кенг қамровли ислохотлар, айниқса, “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида амалга оширилаётган амалий ишлар ҳақида фикр алмашишди.

Партия етакчиси ўз нутқида таълим муассасаларида шаффофлиқни таъминлаш, таълим соҳасини ҳар қандай қўриқинидаги манфаатлар тўқнашуви ва адолатсизликдан холи этиш муҳим эканини алоҳида таъкидлади.

– Бугун коррупцияга қарши кураш нафақат ҳуқуқий, балки маънавий масаладир. Бу курашда ёшларимизнинг фаол иштироки ҳал қилувчи аҳамиятга эга. Чунки адолатни қадрлаган, ўз фаолиятида ҳалолликни устувор деб биладиган авлодгина коррупцияни рад этишга қодир бўлади. Шунинг учун бугунги учрашув айнан санъат ва маданият соҳасида тахсил олаётган ёшлар билан ўтказилаётгани ҳам бежиз эмас, – деди Робахон Махмудова.

Давра суҳбати савол-жавоблар, ҳаётини мисоллар ва очик мулоқот руҳида ўтди. Талабалар коррупциянинг кундалик ҳаётдаги турли қўриқинишлари ҳақида ўз қарашларини баён қилишди, ўзларини ўйлантираётган саволларга жавоблар олишди.

– Агар биз коррупцияга нисбатан муросасиз позицияда туриб, ҳар бир соҳада шаффофлик ва жавобгарликни таъминласак, адолат устувор бўлган фуқаролик жамиятига эри-

шамиз. “Адолат” социал-демократик партияси ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги томонидан ташкил этилган ушбу ойлик фақат ташвиқот эмас, балки амалий ҳаракатлар майдонидир. Шу боис, ҳар бир қурдошимизни коррупцияга қарши курашда фаол иштирок этишга чақириб қоламиз. Зеро, адолат қарор топиши учун ҳар биримиз масъулмиз, – деди партия раиси.

Яқунда иштирокчилар ушбу иллатга нисбатан муросасиз муносабатда бўлиш, жамиятда адолат мезонларини мустаҳкамлаш йўлида ҳар бир инсон ўз ҳиссасини қўиши лозимлиги бўйича керакли маълумот ҳамда тавсияларга эга бўлишди.

Хизмат сафарининг иккинчи куни Робахон Махмудованинг Нукус шаҳридаги йирик саноат корхоналаридан бири – “Нукусэлектрораппарат” масъулияти чекланган жамиятида амалга оширилаётган ишлаб чиқариш жараёнлари билан танишишдан бошланди.

Қайд этиш жоизки, ушбу корхона мамлакатимизда қайта тикланувчи энергия манбаларини ривожлантириш, муҳандислик салоҳиятини юксалтириш ва замонавий технологияларни жорий этиш борасида муҳим тармоқлардан бири ҳисобланади. Асосан қуёш панелларини ишлаб чиқаришга ихтисослашган бўлиб, юртимизда мўқобил энергия соҳасини кенгайтиришга ўз ҳиссасини қўиш келмоқда.

– “Адолат” СДП узоқ йиллардан буён мўқобил энергия манбалари ва ресурс тежамкор технологиялардан фойдаланиш ғоясини илгари суриб келмоқда. Биз иқтисодиётга янги, энергия ресурсларини тежайдиган технологияларни кенга жорий этиш, мўқобил энергия манбаларини ривожлантириш, энергия тежамкорлигига эришни мақсадида бир қатор чора-тадбирларни амалга ошириш зарур, деб ҳисоблаймиз, – деди Сиёсий Кенгаши раиси.

Жараён доирасида корхонада меҳнат қилаётган ходимлар, хусусан, хотин-қизлар учун яратилган шароитлар, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий қафолатлар ва иш муҳити ўрганилди.

Робахон Махмудованинг ҳудуддаги аҳоли билан учрашувлари давом этмоқда.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати

Фракция йиғилиши

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракцияси йиғилишида дастлаб шу йил 18 апрель куни Президентимиз раислигида ўтказилган видеоселектор йиғилишида белгиланган устувор вазифалар юзасидан фикр алмашилди.

Ижтимоий адолат ва тенглик тамойиллари кафолати

Фракция аъзолари мазкур вазифаларни амалга оширишда парламент ролини кучайтириш, қабул қилинаётган қонунлар орқали иқтисодий барқарорликни таъминлаш, ижтимоий адолат ва тенглик тамойилларини рўйбга чиқариш масалаларига алоҳида эътибор қаратди.

Партия Сайловолди дастурида мамлакат иқтисодиётини барқарор ривожлантириш устувор вазифа сифатида ўрин олгани, шундан келиб чиқиб давлат раҳбари томонидан қўйилган вазифаларни ижросини ўз вақтида ва самарали таъминлашда “Адолат” СДП ва унинг парламентдаги фракцияси фаол бўлиши кераклиги қайд этилди.

Шундан сўнг депутатлар тазйиқ ва зўравонликдан жаҳрланган шахсларга ижтимоий хизматлар кўрсатиш тизимини янада такомиллаштиришга қаратилган қонун лойиҳасини муҳокама қилдилар.

Лойиҳа билан мамлакатимиз қонунларига бир қатор муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилмоқда. Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя миллий агентлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмаларига хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш соҳасида аниқ ваколатлар берилмоқда.

Шунингдек, тазйиқ ва зўравонликдан жаҳр кўрган хотин-қизлар ҳамда уларнинг вояга етмаган фарзандлари фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича судларга мурожаат қилганда йўқотилган биометрик паспорт, туғилганлик ёки никоҳ тўғрисидаги гувоҳномаларни тақдоран олиш учун давлат божи тўлашдан озод этилиши таклиф этилмоқда.

Мунозаралар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳаси юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, унда назарда тутилаётган нормалар партия Сайловолди дастурида акс этган ғоя ва мақсадларга уйғун ва ҳамоханг эканлигини қайд этдилар.

Депутат Бехзод Тўхтамуродов фуқароларнинг банк картаси билан боғлиқ айрим масалаларга тўхталиб, унга оид маълумотлар фақатгина фуқаронинг ўзига маълум қилиниши заруратини инобатга олган ҳолда, жараёнга инсон омили қўшилиши эҳтимолий коррупцион ҳолатларга олиб келиши мумкинлигини таъкидлади. Лойиҳада бу бўйича таклиф этилаётган нормани қайта кўриб чиқиш кераклигини билдирди.

Қонун ташаббускорлари мазкур масала юзасидан батафсил тушунтиришлар бериб, билдирилган мулоҳазалар атрофлича ўрганиб чиқилишини билдирди.

Йиғилишда қонун лойиҳаси депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди.

Навбатдан ташқари Пленум ўтказилди

“УрганчТрансгаз” унитар корхонаси мажлислар залида “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгашининг навбатдан ташқари Пленуми ўтказилди.

Пленумда “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши масъуллари, туман-шаҳар кенгаши раислари, ҳудудий ва маҳаллий Кенгаш депутатлари, ҳамкор ташкилотлар вакиллари, партия фаоллари ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этишди.

Даставвал кун тартибидagi ташкилий масала – партия Хоразм вилоят кенгашининг собиқ раиси Тохир Полвонов Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати этиб сайлангани муносабати билан вилоят кенгашига янги раис сайлаш масаласи кўриб чиқилди.

Замира АБДУЛЛАЕВА, Хоразм вилоят кенгаши матбуот котиби



Йиғилишни Сиёсий Кенгаш раиси ўринбосари Исрол Ҳамроев кириш сўзи билан очиб, вилоят кенгаши раислигига Хоразм вилоят тиббиёт маркази бош шифокори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутаты Содиқжон Содиқовнинг номзоди кўрсатилгани тўғрисида маълумот берди ва номзоднинг таржимаи ҳоли билан йиғилганларни таништирди.

Шундан сўнг вилоят Орали бўйи минтақаси ихтисослаштирилган кардиология ва кардиохирургия илмий-амалий тиббиёт маркази директори, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган соғлиқни сақлаш ходими, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Анвар Сагиров, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Тохир Полвонов, Боғот туманидаги 36-умумтаълим мактаби директори, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Майсара Худойберганова, Урганч инновацион университетининг ёшлар билан ишлаш, маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи, халқ депутатлари вилоят Кенгаши депутати Хуршид Давлатов, партиянинг Урганч шаҳар кенгаши раиси, халқ депутатлари шаҳар Кенгаши депутати Рустам Болтаев, Ҳазорасп туман кенгаши раиси Баҳодир Аҳмедовлар сўзга чиқдилар.

Партия фаоллари соғлиқни сақлаш соҳасида кўп йиллардан буён фаолият олиб бораётган Содиқжон Содиқовнинг соҳадаги катта тажрибаси, жамият тарақиётини юксалтириш ва вилоятда аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги фидойилигини алоҳида эътироф этиб, ушбу масъулиятли лавозимга ҳар жиҳатдан муносиб кадр эканини таъкидлашди.

Маълумот учун, Содиқжон Содиқов 2012 йилдан “Адолат” СДП аъзоси. 2024 йилда партиядан вилоят кенгаши депутатлигига номзод этиб кўрсатилган ва сайланган. Унинг ташаббуси билан соғлиқни сақлаш бўйича бир қатор масалалар халқ депутатлари маҳаллий ва ҳудудий Кенгаш сессияларига киритилган ва ижросини таъминлашга йўналтирилган. Шунингдек, қисқа вақт ичида сайловчилар ишончини қозониб, улар томонидан билдирилган ўнлаб муаммоларга ечим топишга эришгани эътиборга моликдир.

Пленумда Содиқжон Содиқов бир овоздан “Адолат” СДП Хоразм вилоят кенгаши раислигига сайланди.

Тиббиётчилар иллатга қарши курашишга ваъда берди

“Адолат” СДП ташаббуси билан ўтказилаётган “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасидаги тарғибот тадбирлари ижтимоий ҳаракат сифатида ҳалоллик ва масъулият туйғусини аҳоли, айниқса, ёшлар онгига чуқурроқ сингдириш нечоғлик муҳим аҳамиятга эга эканига қаратилгани билан эътирофга сазовордир.

Тиббиёт соҳасида мамлакатимизда етакчи олий таълим муассасаси бўлган Тошкент тиббиёт академиясида ташкил қилинган “Бўлажак кадрларни “ҳалоллик вакцинаси” билан эмлаш — давр талаби” мавзусидаги давра суҳбатида бўлажак шифокор ва ҳамшираларда ҳалоллик, масъулият ва касбга садоқат каби туйғуларни илк босқичдаёқ шакллантириш мақсад қилинди.

“Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Абдуқомил Рахмонов, академия раҳбарияти вакиллари, ҳуқуқ-тартибот идоралари мутахассислари, соҳа олимлари, талабалар ва журналистлар қатнашган тадбирда сўзга чиққанлар тиббий фаолият жараёнида нотўғри қўйилган ташхис, ўз вақтида кўрсатилмаган тиббий ёрдам,



эҳтиёжманд беморнинг ҳақ-ҳуқуқини поймол қилишни коррупция сабаб юзага келиши мумкин бўлган камчиликлар сифатида келтирилди. Агар иллатга қарши муросасиз муносабат юксак бўлса, соҳа вакиллари ва бемор ўрасидаги ишонч мустаҳкамланиб, бу ўз навбатида, соғлиқни сақлаш соҳасини ривожлантириши мумкинлигини таъкидлашди.

ИИБ академияси профессори, полковник Шариф Қобилов соҳадаги аниқ муаммоларни илмий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан таҳлил қилди. У таълим жараёнидаги лицензиялаш жараёнларидан тортиб, дори-дармон харидлари ва тиббий хизматларни тақдим этишдаги турли коррупциявий омилларни мисол сифатида келтирди. Унинг фикрича, нафақат жазо, балки олдини олиш, тарбия, билим ва ички назорат механизмини такомиллаштириш орқали бу хавфни чеклаш мумкин.

Тадбир якунида тиббий таълим муассасаларида шаффофлиқни кучайтириш, ёшлар билан доимий маънавий-маърифий мулоқотлар ташкил этиш, ички назоратни институционал шаклда кўриб чиқиш юзасидан аниқ чора-тадбирлар белгиланди.

“Адолат” СДП Матбуот хизмати



ИЛЛАТГА ҚАРШИ КУРАШИШДА юртдошларимиз бирлашмоқда

Жорий йилнинг 5 март куни давлатимиз раҳбари иштирокида ўтказилган Коррупцияга қарши курашиш бўйича Миллий кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида коррупцияни бутунлай бартараф этиш йўлида илгари сурилган ташаббуслар ва берилган топшириқларни ижросини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партияси ўз олдига устувор вазифалар белгилаб олгани эътиборлидир. “Адолат” партияси Сиёсий Кенгаши томонидан Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан ҳамкорликда апрель ойида “Коррупцияга қарши курашиш ойлиги”ни амалга ошириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

**Исроилжон ЖЎРАЕВ,
"Адолат" СДП Наманган вилоят кенгаши раиси**

Партиянинг барча бўғинлари ва депутатлар ёрдамида дастлабки тарғибот ишлари маҳаллалардан бошланди. Ушбу жараёнда маҳалланинг турли қатлами — кексалар, аёллар ва ёшлар вакиллари бевосита иштирок этишди. Суҳбатлар давомида юртимиздаги тинчлик ва барқарорликни қадрлаш, кечаги кун билан бугунги куннинг фарқини яхши тушуниш, маҳаллада, тўй-марокада ортиқча исрофгарчиликка йўл қўймаслик, ҳалоллик ва шукроналик билан ҳаёт кечириш бўйича тушунтириш ишлари олиб борилди.

“Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасида “Адолат” СДП ва Ўзбекистон Республикаси Коррупцияга қарши курашиш агентлиги билан биргаликда муҳим ташаббусларни амалга оширишга киришилди.

Жумладан, партия Марказий аппарати ва Коррупцияга қарши курашиш агентлиги ходимлари, Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги фракция аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларидаги партия гуруҳлари ва партиянинг ҳудудий ташкилотлари фаоллари билан ҳамкорликда маҳаллалар, корхона ва ташкилотларда, мактабгача таълим ташкилотлари ва мактабларда, Олий таълим муассасалари, техникум, коллежлар ва лицейларда ҳамда соғлиқни сақлаш соҳаларида тарғибот тадбирлари ўтказилмоқда.

Партиямиз нафақат апрель ойида, балки келгусида ҳам коррупцияга қарши курашда тизимли фаолиятни изчил давом эттиришни мақсад қилган. Ушбу эзгу мақсад йўлида бирлашсак, адолат қарор топишига, жамият



тараққиёти, тинч ва фаровон ҳаётни таъминлашга муносиб ҳисса қўшган бўламиз. Кенгаш йиғилишида Президентимиз “Коррупция — келажакка таҳдид!” деган ғоя асосида Янги Ўзбекистон ёшлари қалбидан жой оладиган тизим яратилса, айни мuddоа бўлишини таъкидлаган эди. Айни паллада мактабгача ва мактаб таълими ва олий ўқув юртлирида ёш авлод билан ўтказиладиган давра суҳбатларида ана шу жиҳатларга эътибор қаратмоқдамиз. Қувонарлиси, партия ташаббуси аҳоли томонидан қизгин қўллаб-қувватланиб, ҳар бир тадбир коррупция аталмиш тараққиётга ғов бўлувчи иллатни изчил давом эттиришни мақсад йўлида минглаб юртдошларимизни бирлаштирмоқда.

**Орифжон ЎЛМАСОВ,
Фарғона вилоят кенгаши раиси ўринбосари**



“Коррупцияга қарши курашиш ойлиги” доирасидаги тадбирлар вилоятимизнинг барча шаҳар-туманларида уюшқоқлик билан ўтказилаяпти. Бу тадбирларни вилоят прокуратураси, вилоят ички ишлар ва Адлия бошқармалари билан ҳамкорликда олиб борганимиз халқимиз учун янада манфаатлироқ бўлмоқда. Бойси, коррупцияга доир тарғибот тадбирлари давомида одамлар ўзларини қийнаётган масалалар юзасидан ҳуқуқий маслаҳатлар олишга ҳам муваффақ бўляптилар. “Адолат” партияси масъулари ҳар бир маҳаллаларга кириб боришга ва партиянинг дастурий мақсадларини халқимизнинг турли қатламларига тарғиб этишга муваффақ бўляптилар.

Тарғибот тадбирларини нафақат апрель ойида, балки келгусида ҳам коррупцияга қарши курашда тизимли фаолиятни изчил давом эттиришни мақсад қилганмиз. Партиямизнинг хайрли ташаббусига “лаббай”

деб жавоб бериб, тадбирларимизни оммавий ахборот воситалари, радио ва телевидение, газеталарда кўрсатув, эшиттириш ва туркум мақолалар орқали тарғибот майдонимизни кенгайтиришга ҳисса қўшаётган ҳамкорларимизга ўз миннатдорчилигимизни билдирамыз.

Дарҳақиқат, коррупция — ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётига ғов бўлувчи жирканч иллат. Шундай экан, унга қарши мurosасиз кураш олиб бориш ҳаётий зарурият. Ушбу эзгу мақсад йўлида бирлашсак, адолат қарор топишига, жамият тараққиёти ва тинч-осуда, фаровон ҳаётни таъминлашга муносиб ҳисса қўшамиз.

Коррупцияга қарши кураш — давлат ва жамият тараққиётининг муҳим омили экан, мазкур иллатга мurosасиз бўлиш ва унга қарши курашишда барчамиз бирдек масъулмиз!

Шiorимиз: “Адолатли ва фаровон жамият барпо этиш йўлида бирлашайлик!”

Акс-садо

Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси, таниқли журналист ва публицист, шоир Муҳиддин Омаднинг куйиниб ёзишидан, бу мавзунинг кўтариб, барчани огоҳликка чақираётганидан кўзлаган мақсади ҳам Намангандаги фожиядан жуда тезлик билан хулоса чиқаришга, бўлиши мумкин бўлган бошқа бир ҳалокатнинг олдини олишга даъватдир. Афсус ва надоматлар бўлсинким, бугунги куннинг ҳар бир онини пул билан ўлчовчилар, пул топиш йўлида ҳар қандай қабиҳликдан, разолатдан қайтмайдиганлар кўпайиб бормоқда. Уларнинг барчаси орамизда, биз билан бирга тўй-у маросимларга борадилар, оғиз кўпиртириб яхшиликдай сўйлайдилар. Ўзларича пул топишнинг нозик йўлларини ўргатмоқчи бўладилар. Биз эса уларнинг сўзларига кулоқ тутамиз. «Ҳой, бундай қилма, бу ишинг яхши эмас, ўзлигингга қайт» дейишга андиша қиламиз. Агар андишани йиғиштириб қўйиб, жойига қараб туриб шу гапларни айтсак яхши бўлармиди?! Лоақал ўнтадан биттасини тўғри йўлга қайтарармиди?!

КЕЛАЖАГИМИЗНИ АСРАЙЛИК

**Муҳаммаджон МИРЗААБДУЛЛАЕВ,
журналист,
Избоскан тумани**



Машинани ижарага беришнинг ўз қонун-қоидалари бор. Албатта, ҳайдовчилик гувоҳномаси бўлган, қонунда белгиланган ёшга тўлган инсонгагина маълум қоидалар асосида берилади. Лекин болаларнинг мактаб ўқувчилари эканлигини кўра била туриб, уларни чоғга, ҳалокатга йўллаган инсон(ўртакаш ҳам назарда тутиляпти)ларни қим деб аташ мумкин? Улар оддийгина ҳуқуқбузарларми? Улар билмасдан хато қилиб қўйдиларми? Улар ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ, малакага эга бўлмаган болалар қай аҳволга тушиб қолишларини билганлару, бор-э, деб таваккал қилганлар. Бунга уларнинг кўзини пул кўр қилиб қўйганлиги, очқўзлик, масъулиятсизлик сабаб бўлган. Бундай инсонларга ҳар қандай жазо оз.

МЖТКнинг 135моддасига кўра, “...транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқига эга бўлмаган шахсга транспорт воситаларини бошқаришнинг топирилиши” БҲМнинг 5 баравари миқдорида жарима солишга сабаб бўлади. МЖТКга киритилган ўзгаришларга кўра эса транспорт воситаларидан фойдаланиш учун масъул бўлган шахс “мастлик... ёки транспорт воситаларини бошқариш ҳуқуқи бўлмаган шахсларнинг транспорт воситаларини бошқаришига йўл қўйиши”га БҲМнинг 30 баробари миқдорида жарима солиш белгиланганлиги бу жуда-жуда енгил жазо.

Ииллар ўтар, жазолар ҳам ўтаб қайтилар! Лекин виждон азоби-чи? Ҳалокатга мен сабабчи бўлганман, деган ўй унинг миясини умрининг охиригача парчаламайди?

Намангандаги фожиа барчамиз учун қаттиқ огоҳлантириш! Бундан барчамиз зудлик билан хулоса чиқаришимиз шарт! Зеро, ҳар бир ўқувчи бизнинг эртанги кунимиз, келажагимиз. Уларни кўз қорачиғида асраб-авайлаб қамолга етказиш, жонажон, жаннатга монанд ватанимизнинг қомил инсонини этиб вояга етказиш ҳар биримизнинг бурчимиздир. Ана шу оддийгина ҳақиқатни унутмайлик!

Жиноятга жазо муқаррар

Инсон умри жуда қисқа. Аммо шу вақт мобайнида қимдири хайрли ишлар қилади, оиламга, юртимга, одамларга нафим тегсин дейди, ўзидан яхши ном қолдиради. Баъзилар эса на бирон касбнинг бошини тутадилар, на ота-онасига, оиласидakilарга меҳр кўрсатадилар, умрини елга соғурадилар. Фарҳод Ҳотамов (исм-фамилиялар ўзгартirilган — таҳририят) ҳам ана шундайлардан бири.

**Азимжон ҲАКИМОВ,
Жиноят ишлари бўйича
Яккасарой туман судининг судьяси**

Тошкент вилоятининг Бўка туманида истиқомат қилувчи Ф.Ҳотамов на бирон касбнинг бошини тутадилар, на ҳаётининг эртанги кунини унутмадилар. 2010 йилда ота-онаси уни орзу-хавас билан уйлантириб қўйишди. Келин ҳам бир йилгити бахтли қиладиган меҳнаткаш, меҳрибон эди. Аммо фарзанд кўрмаганлиги учун уларнинг оиласи дарз кетади. Фарҳод ҳаётнинг илк зарбасидаёқ сабр қилиш ва чора излаш ўрнига ўзини, ўзлигини йўқотиб қўяди, тўғри йўлдан адашади — ичкиликка ружу қўяди. Натижада тинч-тову ҳаёти издан чиқа бошлайди. Ишдан тун ярмида маст ҳолда келиши, ҳар кунини уруш-жанжал кўтариши, турмуш ўртоғини камситиши, ҳақоратлаши тинч ҳаётга яқун ясайди — оила ажрим билан яқун топади.

2019 йилда мақсадсиз, фойдасиз кунларнинг бирида Сожида холаси Фарҳоднинг жонига оро қиради. У турмушдан ажрашган, ҳаёт зарбаларига учраб, унинг аччиқ-чучигини тотган, бир оилани “гул-

латадиган” яхши аёл тоғанини айтади. Фарҳод Сурайё билан бир неча бор учрашади, бахтсизлигининг, турмуши бузилганининг сабабини фақат фарзандсизлик туфайли деб уни ишонтиради. Биринчи оиласидан турмушнинг муштини еган Сурайё аввал иккиланади, иккинчи бор адашишдан ҳадиксирайди. Аммо хола-жиян бу гап ундай бўлмаслигига уни ишонтиришади, улар бирга яшай бошлашади. Вақт ўтиши билан аввалига рисоладагидай қўринган қуввнинг турли хил нағмалари чиқа бошлайди. Ўрганган кўнгли ўртанса қўймас деганларидай, Фарҳод яна аввалги турмуш тарзини давом эттира бошлайди. Тоғанини ичадиган, уйга ширакайф аҳволда келади, рўзгор ташвишларини хотинининг елкасига юклаб қўйиб, ўзи кайф-сафо қилиб юрадиган одат чиқаради. Сурайё аввало яхши гап билан тушунтиради, ялинади-ёлворади, иккаласининг ҳам иккинчи турмуши эканлигини, оилага масъулият билан қарашини илтимос қилади. Аммо унинг илтимослари ҳа-



вога учадилар, Фарҳод аввалгидан баттар бўлса бўладилар, ижобий томонга ўзгармайди.

Сурайё иккинчи бор яна адашганини,

Фарҳоддан вақтида узоқлашмас, яна бир фалокатга йўлиқиши мумкинлигини сезгандай уйдан чиқиб кетади. Бўкада ишласа тинч қўймаслигини билиб, Тошкентга қатнаб ишлаш бошлайди. Аммо Фарҳод уни Тошкентда ҳам тинч қўймайди, тинмай кўнгирок қилади, ўзгарганини айтади, яна бир бор бирга яшашга ундайди. Бир марта оғзи қуйган одам қатқини ҳам пуфлаб ичади деганларидай, Сурайё бу таклифга рози бўлмайди.

Таклифи рад қилинган нафсониятга теккан Фарҳод яна аламини ичкиликдан олади: унинг судда таъкидлашича, кафега кириб 200 грамм ароқ ичади, бу уни қаноатлантирмагач, йўлда, уйда ичиш учун яна “чекушка” сотиб олади. Уйга боргач, кайфи тарақ ҳолатда хотинига телефон қилади. Хотини эса у билан яшамаслигини қатъий таъкидлайди ва хоҳлаган пайтда турмушга чиқиб кетиши мумкинлигини айтади. Бу гапдан баттар жазавога тушган Фарҳод тонггача ухлай олмайди. Тонг отиши билан калласида пиширган режасини амалга ошириш, хотинидан аламини олиш, уни қўрқитиб қўйиш мақсадида пичоқни чўнтакка солиб, Сурайё ишга қатнайдиган автобус йўлини пойлай бошлайди. Автобусга чиққан Фарҳод яшин тезлигида хотини ўтирган ўриндиқ ёнига келади ва Сурайёга пичоқ ура бошлайди... Йўловчиларнинг

қий-чувини эшитгач ва ҳар томонга оқётган қонни кўрагачина қўрқанидан автобусдан тушиб қолади... Унинг кулоғига “Ўлдириб қўйди, “Тез ёрдам” чақиринглар”, деган товушлар эшитилгандагина кайфи тарақаб, нима қилиб қўйганини англайди... Ароқхўр эрдан қочиб қутилмоқчи бўлган Сурайё эса ундан ўлиб қутилади — шифохонага етмай, йўлда жон беради.

Фарҳод суднинг қора курсисида ўтириб, қилимиши учун жазо ҳукмини кутар экан, кўзлари ёшга тўлиб, овози титрайди:

— Қилган ишимдан пушаймонман... Оилавий шароитимни ҳисобга олиб, менга енгиллик беришингизни сўрайман...

Уша кунини гўёки шерга айланиб, хотинини ваҳшийлорча ўлдирган, уни яшаш бахтидан маҳрум этган эр суд курсисида гўёки тадбир жоиз бўлса, қуёнга айланган эди.

Ичкилик фақатгина шиша ичида тинч туришини, одамни ақлдан оздириб, қабиҳликка бошлашини кеч тушунган Фарҳоднинг пушаймони чексиз. Аммо қасддан ўта оғир жиноят содир этиб, бир аёлнинг ҳаётига зомин бўлган Фарҳод Ҳотамов суднинг ҳукми билан 17 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Ичкилик уни шу “манзил”га етаклади. Инсонга бир марта бериладиган умрининг айни куч-қувватга тўлган пайтлари ҳаёт берган инъомдан, унинг гузаллигидан баҳра олиб яшаш ўрнига, афсус-надомат билан ўтадиган бўлди. Энди на афсус, на пушаймонлик унинг бахтли ҳаётини қайтариб бермайди.

ИЧКИЛИК
КАСОФАТИ

ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Евроиттифоқ ва Марказий Осиё давлатларининг ҳамкорлигини ривожлантириш бўйича ilk саммитнинг илдишлари, имкониятлари, истиқболлари

Глобал трансформациялар ва геосиёсий ўзгаришлар шароитида, ички ва ташқи омиллар таъсирида Марказий Осиё халқаро сиёсат, иқтисодиёт ва хавфсизлик нуқтаи назаридан тобора муҳим минтақага айланиб бормоқда. Мана шундай шароитда Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида бўлиб ўтган "Европа Иттифоқи – Марказий Осиё" биринчи саммити алоҳида аҳамият касб этади. Унда Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркменистон раҳбарлари ҳамда Евроиттифоқнинг юқори даражадаги вакиллари, жумладан Европа Кенгаши Президенти Антониу Кошта ва Европа Комиссияси Президенти Урсула фон дер Ляйен иштирок этди.

Нигинахон ШЕРМУҲАМЕДОВА,
ЎЗМУ профессори, фалсафа фанлари доктори

Ушбу саммит тарихий аҳамиятга эга бўлиб, унинг илдишлари XIV асрда Турон заминида давлатчиликка асос солган буюк ўзбек саркардаси ва давлат арбоби Амир Темурнинг Европа давлатлари Франция ва Испания қиролларига ёзган мактублар билан боғлиқ. Ушбу мактубда Амир Темур қиролларга давлатлараро савдо-сотиқ алоқаларини ташкил этиш орқали халқлар ўртасида бирдамлик ва ҳамкорлик ўрнатиш, маданиятлар диалогига йўл очиш имкони эканлигини таъкидлаган. Бу билан у ўз даврида Шарқ ва Ғарб давлатлари орасида дипломатик алоқаларни ўрнатган. Бу эса замонавий дипломатик ташаббусларнинг ilk намунаси сифатида тарихий, сиёсий ижтимоий аҳамиятга эга. 700 йил аввал илгари сурилган Амир Темурнинг ўзаро тушуниш ва манфаатли ҳамкорликка оид ғоялари бўлгани кунда Марказий Осиё давлатларининг глобал иқтисодий ва сиёсий жараёнларга интеграция қилиниши ҳамда Европа Иттифоқи билан яқин алоқалар ўрнатишга интилишида давом этмоқда. Жаҳоннинг сиёсий маконида Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамият интеграциясига эришиш ва барча соҳаларда ҳамкорликда ислохотларни амалга ошириш ғояси муаллифи сифатида халқаро жамоатчилик томонидан эътифдор этилган Шавкат Мирзиёевнинг ташаббуси билан ташкил этилган ЕИ ва Марказий Осиёнинг ўзаро ҳамкорлигини такомиллаштиришга доир ушбу саммит барқарор ривожланиш, хавфсизлик, иқлим ўзгариши, савдо ва товар айирбошлаш каби муаммоларни муҳокама қилиш учун бетақор платформага айланди ҳамда иқтисодий ва сиёсий алоқаларни янада ривожлантириш йўлидаги дадил қадам бўлди. Саммитда Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг иштироки этиши хавфсизлик, сув ресурсларини бошқариш ва инфратузилмани ривожлантириш каби умумий муаммоларни жамоавий муҳокама этиш ва стратегияларни ишлаб чиқиш имконини берди. Саммитнинг кун тартибида асосий эътибор жаҳон геосиёсий маконидаги учта муҳим йўналишларга:

- 1) *иқтисодиёт ва савдо,*
- 2) *транспорт ва рақамли алоқа,*
- 3) *хавфсизлик ва халқаро ҳамкорлиқни такомиллаштиришга қаратилли.*

Зеро, ҳозирги даврда Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи транспорт логистика алоқаларини такомиллаштириш ҳар икки минтақада иқтисодий ўсиш ва ҳамкорлиқнинг янги имкониятлари сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи ўртасида транспорт ва логистика алоқаларини такомиллаштириш иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, ҳамкорлиқни кучайтириш, савдо йўллари диверсификация қилиш, глобал иқтисодиётга интеграция қилиш ва барқарорлиқни таъминлаш учун муҳим аҳамиятга эга. Ҳар икки минтақада ушбу мақсадларга эришиш учун бир қатор ташаббуслар бошланган ва режалаштирилган. Зеро, Марказий Осиё Европа давлатларига қулай транспорт логистика йўналиши бўлганлиги учун Европа иттифоқининг Марказий Осиёда барқарор транспорт алоқаларини ривожлантиришга 10 миллиард евро миқдорида сармоя киритишга ваъда берганлиги Марказий Осиёнинг геосиёсий маконда ўрни ошиб бораётганлигидан далолат беради. Бу сармоя инфратузилмани модернизация қилиш, транзит вақтларини қисқартириш ва минтақалар ўртасида савдо самарадорлигини оширишда ва ҳозирги даврда Транс-Каспий Транспорт йўлини ривожлантиришда муҳим аҳамият касб этади. Бу йўлак Европа ва Осиёни рақобатбардош мультимодал йўлакка айлантириш, вақтдан ютиш имконини беради. Европа Иттифоқининг Global Gateway стратегияси рақамли, энергия ва транспорт соҳаларида ақли, тоза ва хавфсиз алоқаларни ривожлантиришга қаратилган бўлиб, бу стратегия Марказий Осиёни ҳам ўз ичига олган ҳамкор давлатларда барқарор ривожланишни рағбатлантиради. Айни пайтда савдо ҳажмининг ошиши ва транспорт харажатларини камайтириш учун келажақдаги автомобиль йўллари, темир йўл-

лар ва портларнинг инфратузилмасини янгилашга керак бўлган сармояни давом эттиришни тақозо этади. Бу, электрон транспорт тизимларини такомиллаштириш, масалан, глобал божхона транзит тизимини киритиш, бу масалаларга оид музокара жараёнларини соддалаштириш, божхоналарда транспорт йўлидаги кечиктиришларни камайтириш ва савдодаги такомиллаштириш учун муҳим аҳамиятга эга.

Саммитда транспорт, энергия, рақамли алоқа ва муҳим хомашёлар бўйича 12 миллиард евро миқдоридagi Global Gateway инвестиция пакетини эълон қилиш натижасида қўллаб-ташаббўслар муҳокама қилинди. ЕИ ва Қозоғистон ҳамкорлигида ташкил этилган Транс-Каспий Транспорт Махсус Кенгаши Транс-Каспий Транспорт Коридорининг хавфсизлиги, барқарорлиги ва самарадорлигини оширишга қаратилган бўлиб, бу иштирокчи давлатлар ўртасида яқин ҳамкорлиқни ривожлантиришга ёрдам беради. Шу боис, Транс-Каспий Транспорт Махсус Кенгашининг ташкил этилиши манфаатдор томонлар ўртасидаги мақсадларни қайта қўриб чиқиш ва мувофиқлаштириш, Марказий Осиё давлатлари савдо йўллари диверсификация қилиш ва ягона йўлакларга боғлиқлиқни камайтириш мақсадида "мўтлақ йўлак" каби янги транспорт йўлакларини фаол ривожлантириш, мультимодал йўлак Хитойни Марказий Осиё ва Каспий денгизи орқали Европа билан боғлаш имконини беради. Айни пайтда Хитойнинг "Belt and Road" (BR) ташаббуси тарихий йўлак йўлини қайта тиклашни мақсад қилади, бу эса Осиё, Африка ва Европа ўртасидаги алоқаларни яхшилашга имкон беради. Ушбу ташаббус Марказий Осиёни Европа билан боғлайдиган савдо йўлакларига таъсир кўрсатиб, глобал савдо динамикасини ўзгартиради.

Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасида ҳаво транспорти, темир йўллари орқали савдо ва иқтисодий алоқаларни ривожлантириш бир томондан иқтисодий ўсиш кўрсаткичларини янги босқичга қўтиради, иккинчи томондан фуқароларнинг мамлакатлараро туризмини ривожлантириш имконини беради. Туризм эса, барча мамлакатларнинг иқтисодий ўсиши учун яхши имконият ҳисобланади. Шу маънода Марказий Осиё, хусусан Ўзбекистонда туризмини ривожлантириш ва бу орқали миллий маданият, анъаналарни тарғиб қилишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, этноқўчалар, этноқишлоқлар, этносахарлар қурилаётганлиги ва уларда миллий маданий анъаналар кўргазмалари ташкил этилаётганлиги эътиборга лойиқ.

Саммит давомида транспорт ва рақамли ўзаро боғлиқлик, стратегик хомашё, иқтисодиёт ва хавфсизлик, тоза ва самарали энергия манбаларига ўтиш каби соҳаларда ҳамкорлиқни кен-

гайтириш бўйича мажбуриятлар тасдиқланди. Маълумки, Марказий Осиё яшил энергия потенциалига эга, жумладан, Ўзбекистон ва Туркменистон йўлига тахминан 300 куёшли кунга эга бўлиб, бу мамлакатларда Куёш энергиясидан фойдаланиш имконини беради. Тожикистон ва Қирғизистон гидроэнергетика, тоғ-кон саноати, ва Қозоғистон қишлоқ ҳўжалиги соҳаларида катта захираларга ва бу соҳаларнинг ривожланишида тажрибага эга ҳудудлар ҳисобланади. Тожикистон республикасининг 93 фоиз ҳудуди минералларга бой тоғлардан иборат. Қозоғистоннинг бугдой маҳсулотлари Европада майинлиги ва фойдаланишда қулайлиги билан доим харидоригр маҳсулот ҳисобланади. Шу нуқтаи-назардан, Марказий Осиё билан Европа иттифоқининг яшил энергия, тоғ-кон саноатини ривожлантириш ва рақамлаштириш, қишлоқ ҳўжалиги ва тоғ конлари минераллардан фойдаланиш учун янги технологиялардан фойдаланиш бўйича қўшма дастурларнинг имзоланиши икки минтақанинг иқтисодий манфаатларига тўлиқ мос келади.

Ҳозирги даврда рақамли иқтисодиёт ижтимоий тараққиётнинг муҳим омил сифатида ривожланмоқда. Сунъий интеллект имкониятлари маданий маиший ҳаёт билан бир қаторда ҳарбий соҳа, йирик саноат ишлаб чиқариш соҳаларида ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистонда 1 миллион сунъий интеллектдан фойдаланувчилар дастури бўйича фаолият олиб боришмоқда. Бу фаолиятнинг такомиллаштирилиши келажақда инсониятнинг умргузаронлигини ошириш, интеллектуал салоҳиятини юксалтиришга ҳамда дронларнинг ишлаб чиқилиши хавфсизлиқни таъминлашга хизмат қилади.

Саммитда иқлим ўзгаришларига, хусусан, XX асрнинг охири, XXI асрнинг энг долзарб экологик муаммоси Орол денгизи қуришининг олдини олиш, Оролбўйи ҳудудларида яшил зоналарни ташкил этишга қаратилди. Шу ўринда 2018 йилда Орол бўйида жойлашган Шуманай тумани аҳолисининг иккимлик суви билан таъминланганлиги, Орол денгизининг қуриган соҳалардан 5 минг квадрат метр ҳажмда саксовул қўчалари экилганлиги соҳада самарали ишлар олиб борилганлигидан далолат беради. Бу эса соҳадagi ишларнинг самарадорлигини ошириш, фуқароларнинг соғлигини асраш имконини беради. Ҳозирги даврда Ўзбекистоннинг фақат 28 фоизга яқин ҳудуди яшил зона бўлиб, уни қўқаламзорлаштириш орқали ҳавонини тозалаш, чўчүк сув танқислиги, қўроқчилик хавфининг ортиб бориши халқаро ҳамкорлиқнинг миқёсини кенгайтиришни тақозо қилади.

Саммит доирасида хавфсизлиқни мустаҳкамлаш, терроризм ва экстремизмга қарши курашиш, шунингдек, минтақавий ҳамкорлиқни кенгайтириш

масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Ҳеч кимга сир эмас, XX асрнинг 90-йилларида пайдо бўлган халқаро терроризм XXI асрда янги босқичга қўтарилди. Терроризм, экстремизм ва трансчегаравий жиноятчилик, ноқонуний савдо, наркотиклар, қуролларнинг ноқонуний айланмаси ва коррупция глобал маънавий инқироз сифатида глобал хавфсизликга таҳдид солмоқда ва бу дунё ҳамжамиятининг уларга қарши кураш усули сифатида ҳамкорлигини тақозо этмоқда. Шу нуқтаи-назардан Европа ва Марказий Осиёда коррупциянинг ҳар қандай шаклларига қарши кураш тизимли олиб борилаётганлиги эътиборга молик. Бироқ бу соҳада ҳали муаммолар ҳам борлигини тан олиш лозим. Коррупцияга қарши курашиш ва давлат институтларини мустаҳкамлаш учун Ўзбекистонда амалга оширилаётган "Бошқарувни такомиллаштириш" дастурида белгиланган вазифаларнинг ижросини таъминлашда Европа Иттифоқи Ўзбекистонга техник ва молиявий ёрдам кўрсатмоқда, бу эса барқарор ва хавфсиз сиёсатнинг қўллаб-қувватланишининг амалий асоси сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Шу боис, ҳозирги даврда ёшлар онгининг радикаллушуви, улар тафаккурида агрессиянинг кучайишига қарши халқаро қўчаларни бирлаштириш, хавфсизлиқни таъминлаш, халқаро ҳўқуқни ҳўрмат қилиш, инсон ҳўқуқлари ва демократиянинг асосий принципларига риоя қилишни тарғиб қилишга йўналтирилган тренинглар ўтказиш, бу соҳада сиёсий ҳўшёрлик ва бағрикенглик таъминлигига амал қилишни тақозо қилмоқда. Бу жараёнда, хусусан, Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги ҳамкорлиқни, чегаравий ёндашувларни мустаҳкамлаш ва ўзаро ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу боис, таълим тизимининг барча босқичларидаги ислохотларда ёш авлодини ватанпарварлик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик руҳида тарбиялашда Шарқнинг толерантлик ва Ғарбнинг рационал тафаккурига таяниш муҳим аҳамият касб этмоқда. Макс Шеллер айтганидек, "Инсоният ҳеч қачон ҳозирги даврдагидек хавфли инқироз вазиятида яшаган эмас". Шу боис,

Хулоса сифатида шунини таъкидлаш мумкинки, Амир Темур асос солган Европа давлатлари билан дипломатик алоқалар XXI асрда Ўзбекистон Республикаси Президенти ташаббуси билан янги қиёфада, янги мазмунда қайта тикланди ва бу Саммит Европа раҳбарлари тасаввурда Марказий Осиёнинг нуфузи ошишига, Марказий Осиё нафақат ўтмиш мутафаккирларига, балки ўз ватанининг ривожини йўлида фидокорона меҳнат қилаётган замонавий моҳир раҳбарлар, сиёсатчилар ва энг муҳими, буюк халққа эғалигига ишончининг ошишига ва бу ҳамкорлиқнинг янги босқичга ўтишига хизмат қилади. Шунингдек, ЕИ – Марказий Осиёнинг биринчи саммити икки минтақа ўртасидаги муносабатларни мустаҳкамлаш, ўзаро алоқалар, инвестициялар ва долзарб муаммоларни биргаликда ҳал этиш учун янги имкониятлар эшигини очди. Барқарор натижага эришиш учун эса, сиёсий ирода ва барча иштирокчиларнинг муросага тайёрлиги талаб этилади.

ЙЎЛНИНГ “А” БЕЛГИЛИ ҚИСМИДАН ҲАРАКАТЛАНГАН ҲАЙДОВЧИЛАР ҚАНЧА ЖАРИМА ТЎЛАЙДИ?

Пидедалар ва велосипед йўлқаларида, яшил ҳудуд майдонларида автомобилда ҳаракатланиш, йўлларга ноқонуний тўсиқлар ўрнатганлик, пидедаларга лойқа сачратганлик учун қанча жарима солинади?

Йўлларда “А” белгиси қўйилган, яъни жамоат транспортига мўлжалланган йўлакда ҳаракатланганлик учун жарима жорий қилиниши ҳақида қўн фикрлар билдирилди.

Амалда бундай ҳуқуқбузарлик учун жарима солишга оид қонун 2025 йил 11 апрелдан қуча кирди.

“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга ҳамда жамоат транспортидан фойдаланиш самарадорлигини оширишга қаратилган ўзгартриш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги қонунга қўра бундай ҳуқуқбузарлик содир этганлар қанча жарима тўлайди?

Шу каби саволларга Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалаларни қўмитаси раис Қутбиддин БУРХОНОВ жавоб берди:

– Жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлакларда ҳаракатланган транспорт воситалари ҳайдовчилари учун жавобгарлик қоралари назарда тутилмагани учун ҳам “А” йўлак амалда самара бермаётган эди. Шу сабабли, янги қонун билан бундай ҳуқуқбузарлик учун жарима белгиланди.

Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга янги 128-7-модда киритилиб, жамоат транспорти учун алоҳида ажратилган йўлакларда ҳаракатланиш қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик назарда тутилди.

Жумладан, йўналишли транспорт воситалари учун алоҳида ажратилган тасмаси бор йўлдан транспорт воситаларининг ҳаракатланиши (бун-

дан рухсат этилган ҳоллар мустасно) – базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди, яъни **375 минг сўм** жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо қўлланилганидан кейин бир йил давомида таққоран содир этилса – базавий ҳисоблаш миқдорининг уч баравари миқдориди, яъни **1 миллион 125 минг сўм** жарима солинади.

Шу билан бирга, ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини велосипед йўлаклари, тротуарлар ҳамда яшил ҳудуд майдонларида бошқариш ҳолатлари кузатилаётганини ушбу ҳудудларда ҳаракат қатнашчиларининг хавфсизлигини ишончли таъминлашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Қонун билан Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекснинг 128-моддаси номланиши ва биринчи қисми диспозицияси янги таҳрирда баён этилди.

Ҳайдовчиларнинг транспорт воситаларини пидедалар йўлқаларидан юргизиши, йўл белгилари ва йўл ҳаракатининг бошқа қоидалари талабларига риоя этмаслиги, юк автомобилларида йўлнинг четки чап қаторида ҳаракатланиши (бундан рухсат этилган ҳоллар мустасно), йўналишли транспорт воситалари тўхтайдиган бекатлардан ёки пидедалар ўтиш жойларидан юриши, ташқи ёритиш асбобларидан фойдаланиш қоидаларини бузиши, шунингдек, йўловчига ёки пидедаларга лойқа сачратиши базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари миқдориди жарима солишга сабаб бўлади.

Йўлларда ҳаракатланиш хавфсизлигини таъминлашга салбий таъсир кўрсатувчи омиллардан яна бири – ноқонуний равишда сунъий тўсиқлар ўрнатилиши, йўлни тўсиб қўйиш ҳолатлари ҳисобланади.

Фуқаролар ўз яшаш ҳудудларидаги қўчаларда ноқонуний равишда сунъий тўсиқлар ўрнатиш, йўлни тўсиб қўйиш орқали ҳаракатланишни чеклаётгани

ушбу саммит Ғарб ва Шарқнинг сиёсий ва интеллектуал элитасининг биргаликдаги фаолияти инсониятнинг маънавий маданиятини асраш, миллий қадриятларни янги авлодга етказиш имкони сифатида муҳим аҳамият касб этади.

Саммит натижалари Европа ва Марказий Осиё давлатларига нима бериши мумкин, унинг давомийлигини таъминлаш келажақда қандай омилларга боғлиқ?

Биринчидан: Европа ва Марказий Осиё давлатларининг келажақда транспорт ва логистика соҳаларидаги ҳамкорлиги институционал қувватларни кучайтириш учун таълим дастурлари ва билим алмашиш ташаббусларини кенгайтиришда муҳим аҳамиятга эга. Инфратузилма, технология ва савдо соҳаларидаги қўшма дастурларни ривожланиш орқали иқтисодий ва стратегик ҳамкорлиқни янада мустаҳкамлаш мумкин.

Иккинчидан: Европа ва Марказий Осиёни савдо алоқалари учун муқобил йўлакларни яратиш, инфратузилмани ривожлантириш ва модернизация қилиш, халқаро шерикчиликда ҳамкорлиқнинг янги бозорларини очиш ва чекланган савдо йўлакларига боғлиқ геополитик хатарларни камайтиришга имкон беради.

Учинчидан: инфратузилмани тартибга солиш доираларини халқаро стандартлар билан мувофиқлаштириш глобал савдо тармоқлари билан фаолиятни енгилаштиради. Шунингдек, савдо тўсиқлиқларини камайтириш ва адолатли савдо амалиётларини рағбатлантириш учун савдо келишувларини муҳокама қилиш глобал иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга ёрдам беради.

Тўртинчидан: қайта тикланидиган энергия манбалари билан ишлайдиган транспорт ва яшил технологияларга сармоя киритиш логистика операцияларининг углерод изини камайтиришга ёрдам беради. Шунингдек, барқарор амалиётларни рағбатлантирувчи сиёсатларни жорий қилиш атроф-муҳитга фойда келтирувчи технологияларни жорий қилишни тезлаштиради. Ушбу соҳаларни мувофиқлашган саёб-ҳаракатлар ва стратегик сармоялар орқали ҳал қилиш орқали Марказий Осиё ва Европа Иттифоқи транспорт ва логистика алоқаларини яхшилашга ўзаро иқтисодий фойда ва глобал иқтисодий интеграцияни мустаҳкамлашга олиб келади.

Бешинчидан: Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги ҳамкорлиқни янада ривожлантириш учун қўшма ташаббуслар ва лойиҳаларнинг амалга оширилиши минтақавий хавфсизлиқни таъминлаш, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш ва барқарор ривожланишни қўллаб-қувватлаш имконини беради.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш лозимки, саммитнинг эҳтимолий фойдаларига боғлиқ бўлган оптимизм билан бир қаторда, жиддий қийинчиликлар ҳам мавжуд. Масалан, минтақанинг айрим давлатларидаги сиёсий ноаниқлик, хавфсизлик ва иқтисодий ҳамкорликка скептик ёндашувлар аниқ натижага эришишга тўсиқлиқ қилиши мумкин. Шунингдек, Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўртасидаги мулоқотни мурраккаблаштирувчи ташқи омиллар, хусусан, йирик давлатлар ўртасидаги геосиёсий рақобат ҳам муаммолар вазият ҳисобланади.

Blogger vs Journalist

Бугуннинг гаши



Айнан журналист ё блогер қонунбузарлик қилса-ю уларнинг иши судда кўрилишини “сўз эркинлигига ҳужум” деб гапирилиши мантиққа зиддир. Ҳар қандай жиноят иши судда ҳуқуқий йўл билан ҳал этилиши ҳамма давлатда ҳам ўзига яраша адолат мезони ҳисобланади. Низоли масалалар “кўча”да разбор қилиниши ёки аноним профиллар очволиб, интернет орқали уришиш ҳеч бир қуюшқонга тўғри келмайди. Адолатни жамиятда одил суд ҳар бир шахс манфаати учун қалқон вазифасини ўтайди.

ҚОНУН БАРЧАГА БАРОБАР!

Нега баъзи қонунбузар журналист ёки блогерларга нисбатан суд иши “Сўз эркинлигига ҳужум” деб баҳоланмоқда?

Адолатли жамиятимизда инсон шаънини ерга уриш, асоссиз ҳақорат ё тухмат қилиш, қонунларга беписанд қараш – жиноят ҳисобланади. Бундай кимсаларга қонуний чора кўрилмаса, адолат мезони бузилади. Минг афсуски, баъзи журналистлар ва блогерлар одоб-ахлоқ қоидаларини назар-писанд қилмасдан ижтимоий тармоқларда асоссиз равишда турли касб эгаларининг шаънини булғалаши қуюшқондан чиқишдан бошқа нарса эмас... Уларга нисбатан қонуний чора кўрилиши лозимлиги ҳақида билдирилаётган фикрларга ҳам бефарқ қараб бўлмайди. Ана шундай журналист ёки блогерларга нисбатан олиб борилаётган суд ишлари сўнгги кунларда ОАВ ва ижтимоий тармоқларда бирёқлама муҳокама қилинмоқда.

Тўлқин ЭШБЕК,
Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон
Миллий университети Журналистика ва
Ўзбек филологияси факультети доценти,
Ўзбекистон Журналистлар уюшмаси аъзоси

Энг ёмони, бу суд жараёнларига баъзи кимсалар кўр-кўрона салбий муносабат билдиришмоқда. Аслида ҳар қуни ўнлаб бошқа турдаги (яъни, журналист ё блогер бўлмаган) қонунбузарларга нисбатан ҳам тергов ёки суд ишлари кўриб чиқилади. Нега энди уларнинг тақдири қонуний ҳал этилмагунча ҳеч ким чурқ этмайди-ю, айнан журналист ёки блогерлар иши судда кўрилса, “сўз эркинлигига ҳужум” қилинмоқда, деб дарҳол айюҳаннос солинади?

Ҳар қандай ҳолатда ҳам воқеаликка бирёқлама қараш, қонунбузарлик қилган журналист ё блогерни танқид қилиш ўрнига “журналистика ўлди” деб жар солиш

– вазиятни чигаллаштиришга уришдан бошқа нарса эмас.

Қилмишига яраша судга берилган журналист ва блогерлардан баъзилари ҳақорат, шантаж, шахсий маълумотни ошкор қилиш, ёлғон ахборот тарқатиш, профессионал этикага зид ҳолатларда айбланаётгани ҳақида ҳам ошқора ёзилмоқда. Бу ҳолатларда фақат журналистлар эмас, балки ҳар бир фуқаро ҳам суд орқали ўз ҳақ-ҳуқуқини талаб қилиш ҳуқуқига эга-ку.

Айнан журналист ё блогер қонунбузарлик қилса-ю уларнинг иши судда кўрилишини “сўз эркинлигига ҳужум” деб гапирилиши мантиққа зиддир. Ҳар қандай жиноят иши судда ҳуқуқий йўл билан ҳал этилиши ҳамма давлатда ҳам ўзига яраша адолат мезони ҳисобланади. Низоли масалалар “кўча”да разбор қилиниши ёки аноним профиллар очволиб, интернет орқали уришиш ҳеч бир қуюшқонга тўғри келмайди. Адо-

латли жамиятда одил суд ҳар бир шахс манфаати учун қалқон вазифасини ўтайди.

Айтиш жоизки, Ўзбекистонда танқидга жуда тоқат билан қаралади. Бу бошқа давлатлар билан қиёсий таҳлил этилганида яққол билинади. Мисол учун, Сингапурда давлат органлари фаолиятига ишончсизлик уйғотишга қаратилган асоссиз маълумотлар тарқатганлик учун жисмоний шахсларга нисбатан 37 мингдан 74 минг долларгача жаримага тортиш ёки 5 йилдан 10 йилгача озодликдан маҳрум қилиш жазолари қўлланилади. Шунинг учун ҳам Сингапур бугун дунёдаги энг тинч-осойишта, тараққиёт бобида ҳам-манинг ҳавасини келтирадиган даражага эришмоқда.

Бизда эса бутун бошли суд тизимини обрўсизлантирган сайтга бор-йўғи БҲМнинг 30 баравари миқдорида жарима қўлланилмоқда. Тўғри юки енгил бўлса, бариқроқ бўлади деганларидек, эҳтимол жазонинг шу қадар енгиллиги (бу битта рекламадан тушадиган фойдадан ҳам камроқ-да) учун ҳам баъзилар бемалол жамиятни “лойқалатиш”ни ўзича “қаҳрамонлик” деб билаётгандир?..

Яна бир мушоҳада. Касбим тақозосига кўра сўз эркинлиги учун энг кўп курашадиган, журналист ва блогерлар манфаати учун мудом қайғуриши керак бўлган соҳа вакили, журналист-кадр тайёрлашга умрини бахшида этган ижодкорман. Бирор журналист ё блогерга ноҳақлик қилинса, унга бефарқ қараб турмайман. Бироқ касбимизга доғ туширадиган, сўз эркинлигини ва соҳамизга берилган ваколатларни суиистеъмол қиладиганлар ҳам очик ҳамда аччиқ гапимизни тўғри қабул қилиб, оқилна хулоса чиқаришларини истаيمان...

Блогерларни солиққа тортиш масаласида ҳам ҳар хил шов-шувлар урчиб кетмоқда. Солиқ тўлаш айрим блогерларга ёқмаганмиш. Давлат ташкилоти бюджетдан бир сўмни ортиқча сарфласа у одам қалмагунча айюҳаннос солишлар авжига чиқади. Аммо ўзлари реклама қилиб, бюджетга солиқ тўлашга келганда жуфтакни ростлашга уришларини қандоқ баҳолаш мумкин?

Ахир арзимас маошга ишлаб юрган фаррошлар ҳам иддао қилмасдан солиқ тўлаётти-ку. Адолат тарозисига тенг қарайдиган бўлсак, блогерлар нега солиқ тўламаслиги керак, деган савол ҳам ноўрин эмас-да. Ҳар бир масалада тирнок орасидан кир қидириш аслида орийатли одамга уят ҳисобланади.

Аслида, ҳар бир масалада қонун устувор бўлиши жамиятда адолат ва ҳақиқат қарор топишининг муҳим гаровидир.

БОЙСУНҒУР МИРЗО китобат ҳомийси сифатида танилган шахзода

Ўзбекистон Президенти ташаббуси билан бунёд этилаётган Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази экспозициясида Бойсунғур Мирзо фаолияти ҳам кенг ёритилади.



Бойсунғур Мирзо – китобат ҳомийси сифатида танилган шахзода, Шарқ китобат тараққиётида янги даврини бошлаб берган сарой илмий муассасаси ва кутубхонасига асос солган. Бойсунғурнинг ўзи моҳир хаттот ва мусаввир бўлган, турк, араб, форс тилларида шеърлар ҳам битган. 1420 йилда отасининг қўллаб-қувватлаши билан Ҳиротда ўз кутубхонасини ташкил этган. Ўша вақт Ҳиротда шох саройида хаттот Камолидин Жаъфар Али Бойсунғурий Табризий (ваф. 1433) ва Хожа Ғиёсиддин Наққошлар (XIV асрнинг иккинчи ярми) фаолият юритган.

Бойсунғур Мирзо кутубхонасида қўлёзма китобларни тайёрлаш бўйича турли соҳа мутахассислари тўпланиб, китобат дурдоналарини яратганлар. Мустафо Али (1541–1600) “Маноқиб ҳунарварон” асарида Бойсунғур Мирзо сарой кутубхонасида 40 та хаттот фаолият олиб борганлигини қайд этади.

Бойсунғур Мирзо олти хил ёзувни мукаммал билган хаттот ҳам бўлган. Машҳададаги онаси шарафига қурилган Гавҳаршодбегим масжидидаги ёзувларни унинг ўзи ёзган. Бойсунғур Мирзо кутубхонасида яратилган ўша давр тасвирий санъати дурдоналари бўлмиш тасвири китоблар сўнгги пайтларгача топилмасдан келар эди. Ғарбий Европа ва Шарқ санъатшунос олимларининг тадқиқотлари натижасида мазкур қўлёзмалардан баъзиларининг сақланаётган жойлари аниқланди. Улар гарчи турли мамлакатларга тарқалиб кетган бўлса ҳам, кутубхонадаги баъзи китоблар бизгача етиб келган. Ҳозирги кунда Бойсунғур кутубхонасида яратилган китобларнинг аксари Истамбул ва Техрон музейларида сақланмоқда.

Ўзбекистондаги Ислон цивилизацияси маркази Ахборот хизмати



ТУРК СЕРИАЛЛАРИНИ ТУРКИЯДА ТАҚИҚЛАШ ТАКЛИФ ҚИЛИНДИ

Туркиядаги телесериаллар ва тонгги шоу-дастурлар анъанавий оилавий қадриятларга путур етказмоқда, деди депутат, Бахт (Saadet) партияси раиси Маҳмуд Арикан.

“Бундай теледастурлар эфирдан олиб ташланишини истаимиз. Уларга қарши курашишнинг ягона чораси – тақиқлаш”, – Ариканнинг сўзларидан иқтибос келтирди Independent Türkçe нашри.

– Мамлакатдаги демографик ҳолат яхши эмас, оилаларни ҳимоялашни кучайтириш зарур. Оилалар болаларининг барча харажатларини қоплай олмайётгани оқибатида туғилиш камайиб кетмоқда, – деди у.

Қўшимча қилинишича, мамлакатда спиртли ичимликлар ва гиёҳванд моддаларга қарам, қимор ўйинлари ва виртуал ставкаларга муккасидан кетган ёшлар кўпайиб бормоқда.

Манба: xabar.uz



ADOLAT

Муассис: “Адолат” СДП Сийёсий Кенгаши

Бош муҳаррир: Ислон ХАМРОЕВ

Таҳрир хайъати:

Робохон МАХМУДОВА
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА

Қодир ЖўРАЕВ
Зухра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдуқамол РАҲМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141)

НАШР
КЎРСАТКИЧИ: 100

Газета 1995 йил 22 февралдан
чиқа бошлаган

Навбатчи муҳаррир – Абдуқамол Йўлдошев
Масъул котиб – Абдугани Содиқов



Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Оффсет усулида босилган. Буюртма Г – 401

Адади – 2 008
Босишга топширилган вақти – 21.00
Босишга топширилди – 21.10
Баҳоли келтирилган нархда

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас. Газетанинг етказиб берилиши учун ошунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

“Шарқ” НМАК босмахонасида чоп этилди.
Қорхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани “Шарқ тонги” кўчаси, 23-уй.



QR коди
орқали
газетанинг
электрон
вариантини
юклаб олинг!